

Тошкент шаҳар Сергели тумани
Давлат хизматлари маркази томонидан
2022 йил «10» 03 даги
0585-06-сонли реестр рақами билан

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош
бошқармаси бошлиғининг
2022 йил «01» 03 даги
1-сонли қарори билан

ТАСДИҚЛАНГАН

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШ БОШҚАРМАСИ**

**«TOShShAHARNUR»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

НИЗОМИ

(ЯНГИ ТАҲРИРДА)

Тошкент – 2022

«TOShShAHARNUR» davlat unitar korxonasinинг НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

- 1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ «TOShShAHARNUR» давлат унитар корхонасининг (кейинчалик матнда «Корхона» деб юритилади) ҳуқуқий мақомини, унинг филиаллари ва уларнинг фаолияти хусусиятларини, муассис ижро этувчи органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, Корхона ва муассис ўртасидаги мулкӣ муносабатларни белгилайди.
- 1.2. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2004 йил 6 апрел 263-сонли қарорига мувофиқ «TOShShAHARNUR» бирлашмаси «TOShShAHARNUR» давлат унитар корхонаси этиб қайта ташкил этилган.
- 1.3. «Корхонанинг» муассиси «Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси» (кейинги ўринларда «Муассис» деб юритилади) ҳисобланади.
- 1.4. «TOShShAHARNUR» давлат унитар корхонасига «ELEKTRMONTAJNUR» ШК қўшиб олиниши оқибатида, Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг 2022 йил “01” 03 1-сонли қарори асосида, 2022 йилда “TOShShAHARNUR” давлат унитар корхонасининг Низомига узгартиришлар киритилган.
- 1.5. «Корхона» ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палатаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарорлари ва фармойишлари, мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.
- 1.6. «Корхона» ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги, Тошкент шаҳри кўчаларини ташқи ёритиш, чироқ ва газ чироқли иллюминация билан безатиш, давлат аҳамиятига эга бўлган байрам тадбирларининг ўтказилишида ёритиб берилишини таъминлайдиган ташкилотдир.
- 1.7. «Корхонанинг» тўлиқ номланиши:
ўзбек тилида - «TOShShAHARNUR» давлат унитар корхонаси;
рус тилида - государственное унитарное предприятие «TOShShAHARNUR»
- 1.8. «Корхонанинг» қисқа номланиши:
ўзбек тилида - «TOShShAHARNUR» ДУК;
рус тилида - ГУП «TOShShAHARNUR».
- 1.9. «Корхона» алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штаплари ва бланкларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўзининг давлат тилида ёзилган фирма номи муҳрига эга бўлади.
- 1.10. «Корхона» қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

- 1.11. «Корхона» қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.
- 1.12. «Корхона» бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлишга ҳақли эмас.
- 1.13. «Корхонанинг» манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100044, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумариқ кўчаси, 3-уй.
- 1.14. «Корхона» фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган.
- 1.15. «Корхона» таркибига «KAPITALTA'MIRNUR» ва «AVTOTA'MIRNUR» шўъба корхоналари киради.

II. «КОРХОНА» ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТ ТУРИ

- 2.1. «Корхона» фаолиятининг мақсади Тошкент шаҳри кўчаларининг ташқи ёритилишини, бино ва иншоотларни, архитектура ёдгорликларини чироқ ва иллюминация билан безатилишини, давлат аҳамиятига молик бўлган байрам тадбирларида ёритиб берилишини ва овоз кучайтириш ускуналари билан таъминлаш, шунингдек аҳолининг хизматлар бўйича талабларини қондириш.
- 2.2. «Корхона» ўз мақсадларини амалга оширишда қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:
 - 2.2.1. «Корхона» тасарруфидаги ташқи ёритиш электр тармоқлари, газли чироқ ва иллюминация қурилмаларини, чироқли таблолар ва бошқа электротехника иншоотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш хизматлари;
 - 2.2.2. АСДУНО, АСКУЭ автоматик тизимларни сақлаш, монтаж ва созлаш ишларини таъминлаш;
 - 2.2.3. Ностандарт конструкцияларни тайёрлаш;
 - 2.2.4. Замонавий ва энг самарали ёритиш техника ускуналарини жорий қилиш билан электр тармоқлари, иллюминацияли, меъморий безатиш ёритгичларини мукаммаллаштириш;
 - 2.2.5. Тошкент шаҳри соати – «Курантлар»ни сақлаш ва фойдаланиш хизматини кўрсатиш, профилактика ва таъмирлаш ишларини олиб бориш билан уларнинг тўхтовсиз ва аниқ ишлашини таъминлаш;
 - 2.2.6. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг, консалтинг, инжиниринг тадбирларини ўтказиш;
 - 2.2.7. Аҳоли, корхона ва ташкилотларга турли хизматлар кўрсатиш;
 - 2.2.8. Internet тармоғида реклама фаолияти;
- 2.3. «Корхона»нинг ўз олдига қўйган мақсадларини ҳал қилишдаги асосий вазифалари қуйидагилар:
 - 2.3.1. Ташқи меъморий безатиш ёритгичлари ва рангли ёруғлик бериш қурилмаларининг ўрнатилгандагидек ёниб туриш тартибига риоя қилиниши ва ёритилганлик даражасининг доимийлигини таъминлаш;
 - 2.3.2. Ташқи ёритиш электр тармоқларини сақлаш, яъни фойдаланиш хизмати ва капитал таъмирлаш ишларини бажариш, «Корхона» ўз балансида бўлган маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларини капитал таъмирлаш ҳамда уларни бажариш учун лойиҳа ҳаражатларининг ҳужжатларини тайёрлаш;

2.3.3. 0,4 кВ электртармоқларининг электр таъминоти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш лойиҳа-сметаларини ишлаб чиқиш, бино ва иншоотлар фасадини меъморий безатиш рангли ёруғлик беришни дизайн жиҳатдан ишлаб чиқиш.

2.3.4. Ишлаб чиқариш базасини ва корхона ташқи ёритиш тармоқларини ривожлантириш вазифалари ва режаларини ишлаб чиқиш;

2.4. «Корхона» фаолияти, бозор иқтисодиёти қонунчилиги асосида тузилган хўжалик шартномалари, пудрат ва бошқа шартномалар тузиш асосида қурилади.

2.5. Ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадларида:

2.5.1. «Корхона» ўз таркибига кирган бўлинмалар ва бошқа корхоналар билан хўжалик шартномалари, шунингдек ўз ваколати доирасида, қонунчиликда ўрнатилган тартибларда ҳуқуқий фуқаролик тусдаги келишувлар, битимлар тузади;

2.5.2. Бюджет билан турли кўринишдаги солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар олиб боради;

2.5.3. Ишлаб чиқариш, ижтимоий фаолият ва ўз эҳтиёжлари учун харажатларни ҳамда ходимлар меҳнати учун тўловларни бюджет, шартнома бўйича буюртмачилардан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан тушган маблағлар ҳисобидан қоплайди;

2.5.4. Ўз кучи билан ва бошқа буюртмачилар томонидан бажарилган ташқи ёритиш тармоқларини қурилиш-монтаж ва капитал таъмирлаш ишлари сифатини техник жиҳатдан назоратини олиб боради;

2.5.5. «Корхона» қонун томонидан таъқиқланмаган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга;

2.5.6. «Корхона» қонун томонидан белгиланган тартибда лицензияланган фаолият турларини амалга оширади.

III. МУАССИСНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга;

3.1.1. «Корхона» фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;

3.1.2. «Корхона» Низоми ва раҳбарият таркибини тасдиқлаш;

3.1.3. «Корхона» Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

3.1.4. «Корхона»нинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкани олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

3.1.5. «Корхона»нинг қонуний манфаатларини давлат муассасалари ва хорижий давлатлар олдида ҳимоялаш ва ривожланишига қўмаклашиш;

3.2. Муассиснинг мажбуриятлари қуйидагилар:

3.2.1. «Корхона» директорини тайинлаш, у билан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномасини тузиш;

3.2.2. Ҳар йили корхонанинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чоракда ижро этувчи органнинг унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини тинглаш;

3.2.3. «Корхона»га тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини назорат қилиш;

3.2.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра бошқа мажбуриятларга эга бўлиши.

IV. КОРХОНАНИНГ МУЛКИ

- 4.1. «Корхона»нинг таркибига кирган мулклари негизида ташкил этилган ва улар тасарруфидаги барча мол-мулклар, молиявий маблағлар, моддий ресурслар, шунингдек «Корхона»ни қайта ташкил қилинишига қадар бўлган имтиёзлар, даромадлар ва қарзларига тўла ҳуқуқий ворис ҳисобланиб, ушбу мулклар тезкор бошқариш ҳуқуқи билан «Корхона»га бириктирилади.
- 4.2. «Корхона»нинг Устав фонди **17 910 332 400,53 (ўн етти миллиард тўққиз юз ўн миллион уч юз ўттиз икки минг тўрт юз) сўм 53 тийини** ташкил этади.
- 4.3. «Корхона»нинг мулки:
- 4.3.1. Муассис томонидан «Корхона»га тезкор бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;
- 4.3.2. «Корхона»нинг ўз фаолиятдан олинган даромадлари;
- 4.3.3. Қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.
- 4.4. «Корхона» мулки бўлинмас мулк деб ҳисобланади ва қўшилган хиссалар (улушлар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.
- 4.5. «Корхона» мулкини тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда корхонанинг ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади:
- 4.5.1. асосий воситаларни сотиш;
- 4.5.2. мулкни хўжалик жамияти Низом фондига улуш сифатида қўшиш;
- 4.5.3. мулкни «Корхона» фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.
- 4.6. «Корхона» ихтиёрига қоладиган тақсимланмаган фойда ҳисобидан келгуси зарарларни қоплаш учун «Корхона» Низом фондининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фондини ташкил этиш мумкин.
- 4.7. «Корхона»нинг захира фондига маблағлар соф фойданинг 5 (беш) фоизи миқдорида ҳар йили Низомда қайд этилган миқдорга етгунга қадар ўтказиб борилади.
- 4.8. «Корхона»нинг Низом фонди миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш муассис қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

V. КОРХОНАНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

- 5.1. «Корхона» муассис билан келишилгандан сўнг, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.
- 5.2. «Корхона»нинг филиаллари ва ваколатхоналари уларни ташкил этган корхона томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият кўрсатади ва «Корхона» томонидан берилган мулкка эга бўлади.
- 5.3. «Корхона» филиали ёки ваколатхонаси раҳбари муассис билан келишилган ҳолда корхона директорининг буйруғига асосан тайинланади.
- 5.4. Қонун талабларига, лицензия қоидаларига риоя қилган ҳолда ва ушбу Низом асосида «Корхона» директори билан келишилган ҳолда ҳар қандай қарор қабул қилиши, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориши мумкин.
- 5.5. Қўшма корхоналар, шу жумладан чет эл инвестициялари билан ҳам қўшма корхоналар тузиши, бошқа ассоциация, концерн ва корпорациялар таркибига кириши ва улар таркибидан ўрнатилган қонун бўйича чиқиши мумкин.

5.6. «Корхона» филиали ёки ваколатхонаси раҳбари муассис билан келишилган ҳолда давлат корхонасининг директори томонидан тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда ишончнома давлат унитар корхонаси директори томонидан бекор қилинади.

VI. ШЎЪБА КОРХОНАЛАРИ

- 6.1. «Корхона» шахсий мулки бўлган шўъба корхоналарини тузиши мумкин;
- 6.2. Шўъба корхонаси директори «TOShShAHARNUR» давлат унитар корхонаси директори томонидан тайинланади ва Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади;
- 6.3. «TOShShAHARNUR» давлат унитар корхонаси ўзининг шўъба корхонасига тегишли мулки, пул маблағлари ва товар-бойликларидан ўз хоҳишига кўра бошқаришга ҳақли.
- 6.4. Шўъба корхонаси «TOShShAHARNUR» давлат унитар корхонасининг директори топшириғига асосан товар-бойликларини сотиб олиш ва уларни кейинчалик «TOShShAHARNUR» давлат унитар корхонасига топшириш ҳуқуқига эга ва бошқа корхоналар томонидан «TOShShAHARNUR» давлат унитар корхонасига кўрсатган хизматлари учун ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга.

VII. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- 7.1. «Корхона» фаолиятининг умумий раҳбарлигини директор олиб боради.
- 7.2. Директор лавозимига номзод муассис томонидан тайинланади. Директор эса ўзининг ўринбосари, бош ҳисобчи, режа бўлими бошлиғи лавозимларига номзодлар бўйича муассис билан келишилган тартибда тайинлайди.
- 7.3. «Корхона» директори корхонанинг яқка ижро этувчи органи ҳисобланади ва корхона олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, корхона номидан битимларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга қабул қилади, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради. «Корхона» ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорлари директор томонидан тасдиқланади.
- 7.4. «Корхона» директори муассис олдида ўрнатилган тартибда корхона фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.
- 7.5. «Корхона» директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда «Корхона» манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак, ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан «Корхона»га берилган мулк йўқолган тақдирда, «Корхона»га етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

- 7.6. «Корхона»нинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш мақсадида Тафтиш комиссияси - ички назорат органи тузилиши мумкин.
- 7.7. «Корхона» тафтиш комиссияси аъзолари 5 (беш) кишидан иборат бўлиб, «Корхона» меҳнат жамоаси иштирокида ўтказиладиган умумий йиғилишда меҳнат жамоаси вакиллари орасидан сайланади.
- 7.8. Тафтиш комиссияси аъзолигига «Корхона» бошқаруви ходимлари ва моддий жавобгар шахслар сайланишга ҳақли эмас.
- 7.9. «Корхона» директори тафтиш комиссиясининг ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиши лозим.
- 7.10. Тафтиш комиссияси муассис ва меҳнат жамоасига тафтиш натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

VIII. КОРХОНАНИНГ ФОЙДАСИ

- 8.1. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган «Корхона»нинг соф фойдаси «Корхона» ихтиёрида қолади ҳамда ундан директор қарорига кўра фойдаланилади.
- 8.2. «Корхона» ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига ушбу Низомнинг 4.6., 4.7. бандларида назарда тутилган тартибда, захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

IX. КОРХОНАНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 9.1. «Корхона» ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис «Корхона» мулки етарли бўлмаганида Корхона мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.
- 9.2. «Корхона» муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.
- 9.3. «Корхона» ўзи ташкил этган филиаллар ва ваколатхоналар мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

X. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ


- 10.1. «Корхона» ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботи ва рўйхатини қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.
- 10.2. «Корхона» фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

XI. КОРХОНАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

- 11.1. «Корхона» муассиснинг қарорига кўра, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёки суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

11.2. «Корхона» тугатилганда унинг мавжуд пул маблағлари, мол-мулки ва бошқа активлари барча кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан сўнг ўрнатилган тартибда муассис ихтиёрига ўтказилади.

«TOShShAHARNUR» ДУК
раҳбари



Ш.Т. Ахмедов

